ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 5 сентябр, сешанба № 148 (2197)

Ушбу сонда:

2-3 МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИ ВА МИЛЛИЙ ИФТИХОР
3 ЮРТ ПОСБОНЛАРИ
4 ЧЕМПИОНЛАР УСТОЗИ

# ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 сентябр куни давлат ташрифи билан Қозоғистон Республикасида бўлди

***Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари асрлар давомида дўст-қардош, қуда-анда бўлиб келган. Мамлакатларимиз мустақиллик йилларида яхши қўшничилик анъаналари асосида ўзаро муносабатларни кенгайтириб, минтақавий интеграция жараёнларини ривожлантириш учун яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётир. Халқларимиз доим қувончини баҳам кўриб, оғир дамларда ҳамдард, елкадош бўлган. Умумий тарих, муштарак маданият ва урф-одатлар, тил ва диннинг бирлиги муносабатларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.***

Бу галги Ўзбекистон-Қозоғистон саммити икки давлат раҳбарларининг ўн еттинчи учрашуви эканлигининг ўзиёқ икки томонлама муносабатлар юксак даражада эканига, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг ташқи сиёсатида ўзаро ҳамкорликка нечоғли устувор аҳамият берилишига ёрқин далил бўла олади. Жорий йилнинг 11 январ куни Ислом Каримов Қозоғистон Президентининг инагурация маросимида қатнашиш учун Остонага борди, 19-20 март кунлари эса Нурсултон Назарбоев давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Наврўз байрами арафасида ўтган Ўзбекистон-Қозоғистон саммити асносида икки мамлакат Президентлари раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашни тузиш борасида келишувга эришилгани ва шу ҳақдаги меморандум имзоланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қозоғистон Президентининг "Оқўрда" қароргоҳида Ўзбекистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг яккама-якка суҳбати бошланди. Ушбу мулоқот Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда ўтаётганида чуқур рамзий маъно борлиги таъкидланди. Зеро, истиқлол шарофати билан бугун Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзаро ҳамкорликни янги замон руҳида қуриб, уни ҳар томонлама ривожлантирмоқда.

- Бугунги мулоқот жорий йил март ойида Тошкентда ўтган Ўзбекистон-Қозоғистон саммитининг мантиқий давомидир, - деди Ислом Каримов. - Биз икки томонлама ҳамкорликнинг имкониятларини юқори қадрлаймиз.

- Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айрбошлаш ҳажмини икки баравар кўпайтириш лозим, - деди Нурсултон Назарбоев. - Бу бўйича тегишли вазирлик ва идораларга топшириқлар бериш керак.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини қайд этдилар. 2002 йил 9 сентябрда имзоланган Давлат чегараларининг делимитацияси тўғрисидаги шартнома ҳам замон талабларига мос ҳужжат бўлгани, Ўзбекистон билан Қозоғистон МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб чегара масалаларини ҳал этгани ўзаро ишонч мустаҳкамлигидан далолат эканини таъкидладилар. Бу ҳужжат билан давлат чегарасини юридик жиҳатдан қайд қилиш бўйича музокара жараёнига нуқта қўйилди ва айни пайтда демаркация ишлари давом этмоқда.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда ўзларини қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани қайд этилди. Кўплаб халқаро муаммоларга нисбатан қарашлар ўхшаш ва яқинлиги таъкидланди. Жумладан, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш борасидаги баҳамжиҳат саъй-ҳаракатлар самарали кечаётир. Шу ой ўрталарида Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг бу тинчликпарварлик ғояга расмий мақом берувчи ҳужжатни имзолаши режалаштирилмоқда. Мамлакатларимиз террорчилик, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси каби таҳдидларга қарши кураш борасида ҳам ҳамфикрдир. Бу борада террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка, шунингдек барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги 2000 йил 21 апрел куни Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари томонидан имзоланган шартнома муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида асосий диққат-эътибор ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, жумладан, ишбилармонлар ҳамда маъмурий-ҳудудий субъектларнинг бевосита алоқаларини кенгайтириш ва рағбатлантиришга, божхона ва чегарадан ўтиш тартибларини енгиллаштиришга, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланишга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва етказиб беришга оид масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қардошлик, яқин қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини юздан зиёд ҳужжат ташкил этади ва бу ҳуқуқий пойдевор ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраб олган. Элликдан ортиқ ҳужжат иқтисодий соҳага таалуқлидир. Улар орасида мамлакатларимиз ўртасида эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар бор.

Ўзаро товар айрбошлаш ҳажми 2005 йилда 497,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2004 йилдагига нисбатан 16 фоиз кўпдир. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27,3 фоизга ортди. Умуман, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳажми ҳар йили ўртача 20-30 фоиздан ўсиб бормоқда.

Ўзбекистонда Қозоғистон сармояси иштирокида тузилган 73 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг олтитаси тўла қозоғистонлик сармоядорлар ҳисобига очилган. Ушбу корхоналар савдо, қурилиш, озиқ-овқат, машинасозлик, енгил саноат, металлни қайта ишлаш каби соҳаларда иш олиб бормоқда. Юртимизда Қозоғистоннинг 24 фирма ва компаниясининг ваколатхонаси бор.

Айни пайтда Қозоғистонда Ўзбекистон сармоядорлари иштирокида тузилган 86 корхона ишлаб турибди. Улар савдо-сотиқ, озиқ-овқат, дори-дармон, қурилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар, пахта ва пахтадан олинадиган маҳсулотлар, ёғочни қайта ишлаш, мебелсозлик, ойнасозлик, кўнчилик сингари соҳаларда фаолият кўрсатади.

Албатта, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг иқтисодий имкониятлари бу кўрсаткичларни бир неча баробар оширишга етади. Масалан, мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги, енгил ва оғир саноат, қурилиш, машинасозлик, транспорт коммуникациялари, нефт-газ ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариши мумкин. Шунингдек, сув-энергетика соҳаси ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан биридир. Ғалла, қурилиш материаллари, металл буюмлар савдоси икки томон учун ҳам фойдали.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг жорий йил март ойида бўлган Тошкент учрашувида икки мамлакатда доимий эҳтиёж мавжуд бўлган товарлар рўйхатини тузиб чиқишга ва бевосита савдо-сотиқни кенгайтиришга келишиб олинган эди. Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия Президентларнинг бундай келишувларини амалиётга татбиқ этиб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида икки бор Остона (март) ва Тошкентда (август) унинг мажлиси ўтказилиб, давлат раҳбарлари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижроси кўриб чиқилди. Жумладан, Тошкентда ўтказилган мажлисда сармоявий ҳамкорлик бўйича 2010 йилгача мўлжалланган дастур, қўшма корхоналарни кўпайтириш, мева ва полиз маҳсулотларини етказиб бериш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, таълим ва маданият соҳаларидаги алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Бундан ташқари, Тошкент учрашувида банклараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонда Қозоғистон Тараққиёт банкининг филиалини очиш ташаббуси илгари сурилган эди. Июн ойида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки "Қозоғистон Тараққиёт банки" акционерлик жамғармасининг ваколатхонасини рўйхатдан ўтказди ва июл ойида у ўз фаолиятини бошлади.

Март саммитидан кейинги ўзгаришлар қаторига Тошкент-Олмаота-Нукус-Тошкент темир йўл маршрутининг очилгани, Тошкент-Олмаота-Тошкент авиақатновлари сони оширилганини ҳам киритиш мумкин. Бу транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланаётганидан далолат беради.

Музокарада ижтимоий соҳадаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Илм-фан, маданият ва санъат намояндалари, спортчиларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, оммавий ахборот воситалари тузилмаларининг ҳамкорлигини фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар зиёлиларимиз мунтазам учрашувлар ўтказиб туриши, журналистлар эса ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин қирраларини ёритиб бориши зарурлигини таъкидладилар.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев қўшма баёнотга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қозоғистон Республикаси Президенти раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг низомига имзо чекдилар.

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2006-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури ва тадбирлар режаси, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида махфий ахборотни ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги битим, 2001 йил 16 ноябрда имзоланган Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегарасидаги ўтказиш пунктлари тўғрисидаги битимга оид протокол, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида 2006-2008 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури ва тадбирлар режаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида давлатга қарашли ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлиги тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан Қозоғистон Республикасининг Сайёҳлик ва спорт бўйича вазирлиги ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан Қозоғистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар самарали кечганидан мамнуният билдириб, мулоқотлар сермазмун бўлгани, ўзаро очиқлик ва ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов ташриф натижаларига юксак баҳо берар экан, ушбу сафар асносида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очишини, мамлакатларимиз манфаатларига ва ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади.

Нурсултон Назарбоев ташриф натижалари Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришда, шунингдек, умуман Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

- Бугун имзоланган қўшма баёнот, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг расман таъсис этилиши ҳамкорлик йўлидаги амалий ҳаракатларимиздан далолатдир, - деди Ислом Каримов. - Биз гуманитар соҳадаги алоқаларга ҳам катта аҳамият берамиз. Чунки бу борада ҳам ишга солинмаётган имкониятлар жуда кўп. Савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда мўлжаллаган режаларимизни тўлалигича рўёбга чиқарсак, бу нафақат икки томонлама муносабатлар, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади.

- Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг низоми, гуманитар ҳамда иқтисодий алоқалар бўйича ҳамкорлик дастурлари қабул қилингани муносабатларимиздаги муҳим воқеа бўлди, - деди Нурсултон Назарбоев. - 2006 йилни ўзаро ҳамкорлигимиздаги олға юриш йили, деб аташ мумкин.

Президентлар хавфсизлик масалаларини ҳам муҳокама қилганини, замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашда баҳамжиҳат ҳаракатларгина самара беришини таъкидладилар. Абадий дўстлик тамойилларига асосланган иттифоқчилик асосидаги муносабатлар аждодлардан қолган мерос эканлиги қайд этилди. Ўзаро товар айрбошлаш ҳажмини икки баробар кўпайтиришга, ҳамкорликда ҳарбий машқлар ўтказишга келишиб олингани маълум қилинди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Остонадаги Ватан ҳимоячилари монументи пойига гул қўйди, Қозоғистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

Мамлакатимиз раҳбари Қозоғистонга давлат ташрифи арафасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг норасмий саммитида иштирок этди. 1 сентябр куни Остона шаҳрида ўтган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов қатнашдилар.

Марказий Осиё мамлакатларининг сув-энергетика консорциумини тузиш ишларини жадаллаштириш мавзуи кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлди. Маълумки, Президент Ислом Каримов бир неча йил аввал сув-энергетика, озиқ-овқат ва транспорт коммуникациялари бўйича учта консорциум тузиб, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида бу соҳалардаги ҳамкорликни шу тариқа тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва ривожлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Уларнинг концепцияси ишлаб чиқилган. Норасмий саммитда бу масала атрофлича муҳокама этилди.

Президентлар Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг фаолиятини янада фаоллаштириш, жамғарма доирасида Ахборот марказини ташкил этишга келишиб олдилар.

Остона саммитида Марказий Осиёда интеграция жараёнларини ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

Тошкент-Остона-Тошкент.



# ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР

*Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли умуммиллий дастурлар, улкан амалий ишлар, жумладан, ўқувчи ва талаба ёшлар учун барпо этилаётган янги-янги мактаблар, замонавий лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, фарзандларимиз келажаги учун хизмат қиладиган кўплаб ижтимоий объектлар мисолида бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.*

*Истиқлолнинг илк йилида туғилган ўғил-қизларимиз бугун 15 ёшга қадам қўйишган. Келажаги буюк элнинг эртаси бўлган ёшлар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборга муносиб бўлишни дилларига жо этишган.*

**(Газетамизнинг 2-3 саҳифаларида Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шоншавкатини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш йўлида амалга оширилаётган ишлардан ҳикоя қилувчи мақолалар билан танишасиз.)**

Эъзоз

# АЁЛНИ УЛУҒЛАШ ОИЛАНИ, ОНА ЗАМИННИ, ҲАЁТНИ УЛУҒЛАШДИР

***Аёл инсоният ҳаётининг давомчиси. Аёл борки ҳаёт чароғон. Шунинг учун ҳам у хонадонимиз чироғи, фариштаси дея таърифланади.***

***Ҳар қайси мамлакатнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Тараққиёт йўлини тутган давлат, жамият, аввало, аёлга эътибор кўрсатади, уни эъзозлайди. Аёлнинг қадрини юксак тутиб, оғирини енгил қилади. Юртимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида бу борадаги ишларга алоҳида аҳамият берилаётганини таъкидламоқ жоиз. Замонавий ўзбек аёли барча соҳаларда ўзини намоён этмоқда. Боиси, хотин-қизларнинг меҳнат қилиши, ўз иқтидорини кўрсатиши учун юртимизда барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Уларнинг дарду ташвиши, уй-хаёллари, муаммолари билан ўртоқлашадиган, оғирини енгил қилишда кўмаклашадиган ташкилот ва бирлашмалар ҳам анчагина. Республика хотин-қизлар қўмитаси мазкур ташкилотларнинг негизи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Светлана ИНОМОВА билан суҳбатимиз асосан бугунги кун аёли, унинг жамиятдаги ўрни, уларга тегишли муаммоларни бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида бўлди.***

**— Ҳурматли Светлана Турсунхўжаевна, аввало, Сизни Мустақилликнинг 15 йиллик байрами арафасида давлатимизнинг юксак мукофоти — "Меҳнат шуҳрати" орденига сазовор бўлганингиз билан барча газетхонлар номидан самимий табриклаймиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона хизматларингизга муваффақиятлар тилаймиз.**

**Сизнингча, аёл ва жамият тушунчалари ўртасидаги узвийлик нималарга боғлиқ?**

— Раҳмат. "Жамиятнинг сифат белгисини қўядиган зот, бу аёлдир", деб бежизга айтилмаган. Аёл оилада маънавий муҳит маромини сақлайдиган, мувозанатни ушлаб турадиган куч ҳисобланади. Шу билан бирга ижтимоий ҳаёт муаммоларини бартараф этувчи, ақли ва салоҳияти билан фарзандларини камолга етказувчи тарбия ва маърифат соҳибасидир. Муҳтарам Юртбошимиз "Аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ва нуфузини кўтариш давлатчилигимизнинг устувор ва асосий йўналишларидан биридир", деган сўзлари ҳам аёл билан жамият ўртасидаги узвий боғлиқликнинг нақадар муҳим эканини англатади.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги Фармонига асосан жорий этилган диний—маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси лавозими жойларда ижтимоий ва маънавий муҳитни соғломлаштириш, жамиятнинг асосий бўғинларидан бўлмиш маҳалла ва оилалардаги муҳитни ўрганиш ҳамда мавжуд муаммолар ечимини топишга кўмаклашади.

Оиладаги муҳитнинг соғломлиги, аввало, аёлга боғлиқ бўлганидек, жамиятнинг юксалиши бевосита оилага ва оила тарбиясига масъул бўлган онага боғлиқдир. Ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш оилавий муносабатлар маданиятини юксалтиришга, иқтисодий фаровонликни таъминлашга хизмат қилади.

Баъзи бир оилалардаги маънавий муҳитнинг носоғломлиги туфайли ҳамон ажримлар ҳолати саноқли бўлса-да, аёллар ўртасида жиноятчиликнинг учраётгани, айрим кимсаларнинг ёт оқимлар таъсирига тушиб йўлдан адашиши каби муаммолар жамиятдаги мавжуд иллатларнинг олдини олувчи ҳушёр маслаҳатчи кераклигини тақозо этди.

Бу масъулиятли вазифа жамиятнинг фидойи аъзоси бўлмиш диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси вазифасини бажараётган опа-сингилларимизга юкланди. Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчи эдимки, ҳар бир оила соҳибаси бўлмиш аёл ўз маънавиятини юксалтириш учун ҳаракат қилмас экан, нафақат маҳалла, балки ҳар бир хонадонга биттадан маслаҳатчи тайинлаб чиққанимизда ҳам кутилган натижага эришиш мушкул бўлади.

Маҳалла маслаҳатчисидан шу боис ўз маҳалласининг виждонига айланиши, ҳар бир оиланинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиши талаб этилмоқда. Бу масъул вазифада республика миқёсида 7704 нафар маслаҳатчи хотин-қизлар сидқидилдан фаолият кўрсатмоқда.

Маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ижтимоий муҳитни соғломлаштиришда жамият ва аёл ўртасидаги узвий боғлиқликни янада мустаҳкамлаш зарур.

**— Аёлнинг жамиятдаги ўрни қайси соҳаларда яққолроқ намоён бўлмоқда ва замон талабига кўра яна қай соҳада унинг фаоллигини ошириш керак, деб ўйлайсиз?**

— Мамлакатимиз хотин-қизларига жаҳон давлатларининг ҳеч бирида кузатилмаган эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилмоқда. Аёл зотини улуғлаш учун унинг номи билан йиллар аталди, аёл номига мукофотлар жорий этилди. Олий Мажлис юқори ва қуйи палаталарида аёллар сонини кўпайтириш мақсадида квоталар жорий қилинди.

Мустақиллик йилларида аёлларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш учун уларга иш ўринлари яратиш, хотин-қизларнинг иқтисодий соҳа, тадбиркорлик, фан ва техника тараққиёти ҳамда давлат қурилишидаги нуфузини мустаҳкамлаш каби масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш соҳасида олиб борилган саъй-ҳаракатлари натижасида 2004 йил 26 декабрда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлар якунларига кўра қуйи палатанинг 120 нафар депутатидан 18 фоизини, Сенат аъзоларининг 15 фоизини аёллар ташкил этгани қувончли ҳолдир. Ўтган сайловларга нисбатан парламентда хотин-қизларнинг иштироки 10 фоизга кўпайди. Вилоят кенгашларига 100 нафар, туман кенгашига 698 нафар, шаҳар кенгашига 165 нафар аёллар сайланган. XXI аср аёли барча жабҳаларда фаол бўлиши лозим, деб ўйлайман.

**— Республика хотин-қизлар қўмитасининг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардаги иштироки қай даражада? Қолаверса, хотин-қизлар қўмитаси ўз фаолияти ва ташаббускорлиги билан ҳар бир оилага, ҳар бир аёлга қай даражада кўмак беряпти? Аёллар дуч келаётган муаммоларни бартараф этишда унинг ўрни ва аҳамияти ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятига халқимиз баҳо беради. Биз уни ҳисобот сифатида айтиб ўтишимиз мумкин, холос. Сабаби, ҳукуматимизнинг аёл зотига бўлган ҳурмат ва эъзози боис шу қадар катта имкониятларга эга бўлиб фаолият юритмоқдамиз. Хотин-қизлар қўмиталари деярли барча соҳаларда ва жабҳаларда ислоҳотларни изчиллаштиришга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш учун олиб борилаётган ишлар негизида, аввало, аёлларнинг иш билан бандлиги масаласи тургани боис биз ҳамкорлар билан бу борада кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз.

Эскича қарашлар оқибатида оилада қиз боланинг ўқиши, нуфузли даргоҳларда таълим олиши иккинчи даражали ҳисобланиши ва уларнинг тақдирига шунчаки қараш, уларни фақат уй бекаси қилиб тарбиялаш, унинг юқори салоҳиятини фақат бола туғиш, рўзғор юмушлари билан чегаралаб қўйилиши каби ҳолатлар эвазига хотин-қизлар энг кам иш ҳақи тўланадиган ишларда меҳнат қилишга мажбур бўлган ёки аксарияти мутлақо ишсиз қолиб кетган. Ана шу салбий ҳолатлар айни кунларга келиб бизга катта муаммоларни туғдирди. Ҳукуматимиз ушбу муаммони бартараф этиш йўлида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 2005-2007 йилларга мўлжалланган хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқилиши бунга яққол мисол бўла олади. Дастурларда белгиланганидек, шу йилларда 614,4 минг нафар (ҳар йили 205 минг нафар ) аёлни иш билан таъминлаш вазифаси белгиланган. Олиб борилган ишлар самараси ўлароқ жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 137810 нафарга яқин хотин-қизлар иш билан таъминланди. Бу дастур кўрсаткичининг режага нисбатан 125 фоизга бажарилганини кўрсатади.

(Давоми 2-бетда)



**Ислом КАРИМОВ:**
***Мамлакатимизнинг яқин ва узоқ келажагини ўйлаб, инсонпарварлик ва олижаноб мақсадларимизни кўзлаб, халқимиз ҳаётида меҳр- оқибат ва муруввват, сахийлик ва меҳрибонлик, миллатлар ва динлараро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарларимизда амалга оширилаётган эзгу тадбир ва дастурларимиз аҳолимиз, кекса ва ёшларимизнинг онгу тафаккурига, иймон- эътиқодига кўрсатаётган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган ижобий таъсирини ҳар қадамда кўриб- сезиб турибмиз ва буларнинг барчасини юксак қадрлаймиз.***

*Эъзоз*

# АЁЛНИ УЛУҒЛАШ ОИЛАНИ, ОНА ЗАМИННИ, ҲАЁТНИ УЛУҒЛАШДИР

**(Боши 1-бетда)**

Шу кунларда қўмита ташаббуси асосида Республика Марказий банки билан ҳамкорликда барча вилоятларда тадбиркор ва тадбиркорликни бошламоқчи бўлган аёлларга имтиёзли кредитлар бериш тизимининг моҳиятини тушунтириш, амалий ёрдам кўрсатиш бўйича семинар ва учрашувлар ўтказилмоқда. Янги банк ажратадиган микрокредитларнинг ўзига хос жиҳатлари ва бу борада хотин-қизлар учун яратилган имтиёз ҳамда қулайликлар ҳақида малакали мутахассислар томонидан батафсил тушунча берилмоқда.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва Республика АТБ Микрокредитбанк раҳбарияти ҳамкорлигида "Тадбиркорлик — давр талаби" мавзуида ўтказилган семинарларда вилоят ҳокимликлари вакиллари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, тижорат банклари бошқарувчилари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маҳалла маслаҳатчилари, тадбиркорлар, фермерлар, корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда. Семинарларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 майдаги "Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларида аҳоли кенг қатламларига микромолиявий маблағлар беришни янада ривожлантириш мақсадида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармон ҳақида тушунтиришлар олиб борилди.

Ҳудудларда истиқомат қилиб фаолият юритаётган тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Семинарлар жонли мулоқотлар ва мутахассис маслаҳати асосида очиқ мунозараларга айланди ва муаммоларнинг ечимини топа олмаётган тадбиркор хотин-қизлар ўз саволларига жавоб олдилар.

"Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда касаначилик, мулкий ва ижтимоий меҳнат муҳофазаси", "Микрокредитбанк — тадбиркорлар таянчи", "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банклар томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар ва лизинг хизматлари" мавзуидаги маърузалар йиғилганларга ўз соҳаларини ривожлантиришда қўлланма сифатида қабул қилинди.

Ҳудудий қўмиталар томонидан аждодлардан мерос ҳунарларни ва шу орқали касаначиликни ривожлантириш, оилавий ҳунармандлар сулоласи анъаналарини янада такомиллаштириш борасида муайян силжишлар бор. "Уй меҳнати тўғрисида"ги Низомни ишлаб чиқиш ва унда касаначиликка алоҳида эътибор қаратиш бўйича ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда касаначилик меҳнатининг ташкил этилишида бозор механизмларидан фойдаланиш ҳамда аёлларни касаначилик меҳнати орқали иш билан таъминловчиларга имтиёзлар бериш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

**— Соғлом авлод — юрт таянчи. Қолаверса, соғлом фарзандни соғлом она дунёга келтиради. Демак, аёл саломатлиги муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада олиб борилаётган ишлар кўлами қандай? Хусусан, бугунги кундаги долзарб муаммо — аёллар ўртасида тарқалган камқонлик касаллигининг олдини олиш борасида мутасадди ташкилотлар, жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?**

— Аёллар ижтимоий ҳимоясининг бош бўғини ҳисобланган репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш мавзуида сўз юритайлик. Аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, соғлом фарзандлар туғилиши, уларни парваришлаш ҳамда вояга етказишда оилалар мустаҳкам бўлиши асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли она ва бола соғлиғини сақлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бугун аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш мақсадида комплекс дастурлар ишлаб чиқилган.

аёллар саломатлигини яхшилашда уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши алоҳида ўрин тутади. Бу йўналишда Хотин-қизлар қўмитаси томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Аёл ва спорт" комиссиясининг ташкил этилиши хотин-қизларни, айниқса,

Дастурлар асосида соғлом турмуш тарзини юритиш, репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш, болаликдан ногиронликнинг олдини олиш, қариндош-уруғлар ўртасида никоҳнинг салбий оқибати мавзуларида маҳаллалар, ўрта ва олий ўқув юртлари, ҳарбий қисмлар ва муассасаларда узлуксиз равишда давра суҳбатлари ва учрашув, семинарлар ўтказилмоқда.

Аёл саломатлигининг давлат сиёсати миқёсида ҳал этилиши уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги орқали ҳунар эгаллаши, жамоат ишларида иштирок этиши, юқори мансабларда ишлаши, қонунлар ишлаб чиқилишида ўзининг ҳиссасини қўшиши каби вазифаларни бажаришга имконият туғдиради.

Юртбошимизнинг: "Инсон табиати, феъл-атвори гўдаклигидан шаклланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она сути билан киради", деган сўзлари замирида теран маъно мужассам. Соғлом бўлмаган, камқон ва бошқа касалликлар билан оғриган аёлларимизнинг аввало тиббий саводхонлик даражаси юқори эмаслигининг ўзи — муаммо. Ҳамма нарсани асраш ўзини асрашдан бошланади. Опа-сингилларимизнинг ўз саломатликларига бўлган эътиборини кучайтириш мақсадида қўмита томонидан аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга бағишланган тадбирлар, учрашув ва семинарлар ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, қишлоқ аёлларини спортга жалб этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ишларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлаш учун имконият яратди.

Айниқса, ногирон болаларни спортга жалб қилиш, улар ўртасида мусобақа ва турнирлар ўтказиш, уларнинг халқаро турнирларда иштирок этиши учун шароитлар яратиш бизнинг кундалик ишимизга айланган.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар (ЮНФПА, ЮНИСЕФ) билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижасида вилоятлар ҳамда айрим шаҳар ва туманлар замонавий техника жиҳозлари билан таъминланди.

**— Сўнгги саволимиз анъанавий: касаба уюшма аъзолари ва "Ишонч" газетаси ўқувчиларига тилакларингиз.**

— Газета ўқувчилари, муштарийлар ҳамиша соғ-саломат бўлишсин. Аёл зоти муқаддас ва табаррук эканини англаган ҳолда уларга бўлган эътибор ва эҳтиром юксалиб бораверсин. Зеро, соғлом авлодни аёл дунёга келтиришини инобатга оладиган бўлсак, бу барча учун бирдек муҳим ва масъулиятли вазифадир. Ана шу юксак вазифани бажарувчи аёл зоти борки, бахтли-саодатли туйғулар билан яшасин.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА**
**суҳбатлашди**

# ВАТАН ЯГОНАДИР, АВВАЛГИЛАРГА

***Истиқлол туфайли қадриятлар тикланиб, ўзлигимизни англадик. Жаҳондаги эрксевар халқларнинг ҳамон нигоҳи бизга қадалган: қандай яшаяпмиз, мустақилликнинг қадрига етаяпмизми? Ёшларимиз дунёқараши шунга мос шаклланаяптими? Бу борада ижобий фикрлар жуда кўп.***

Курсдошларимиз орасида суриялик Муҳаммадсаид Дрэй деган талаба бўларди. Ҳазил-мутойибага жуда ўч, дарс ва мунозараларда ҳар бир сўзни ўн хилга турлайдиганлар сирасидан эди. Бир куни дарсда у домладан: сабоқлар фақат коммунизм ғояларига йўғрилган, нега Ватан, мустақиллик, хусусий мулк ҳақида тушунчалар бермайсиз, деб сўраса бўладими! Лекин бизни ҳам қизиқтирган ўша савол жавобсиз қолди.

Муҳаммадсаид баҳсларда ҳар бир фан мутахассиси олдига ана шунга ўхшаш саволларни кўндаланг қўйиб, барчамизни лол қолдирарди. Шууримизга бошқача руҳдаги таълим сингдирилган эмасми, кейинчалик ундан четроқда юрадиган, давраларга таклиф этмайдиган бўлдик. Шунга қарамай, барибир у бир куни ҳамкурсларга дилидагини тўкиб солди. Олий маълумот олганларинг билан юрти ва ўтмишини билмайдиган кишиларга айланиб қолаверасанлар, деди.

Хайрият, у айтганчалик бўлмади. Орадан кўп вақт ўтмай халқимиз орзу қилган дориломон кунларга ҳам эришдик. Мустақиллик берган неъматлар туфайли ҳар соҳада ислоҳотлар жадаллик билан бормоқда. Ишбилармонларимиз дунё кезиб, кези келса, тажрибаларини хорижга "учирма" қилмоқдалар. Ёшларимизнинг дасти узун. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида таҳсил олаяпти, шуури, дили ва қалби юртнинг келажаги йўлига тикилган.

Хизмат сафарларимиздан бирида мустақиллик йилларида Андижон вилоятидаги ободончилик соҳасида эришилган ютуқларни ҳайрат билан томоша қилардик. Истироҳат боғида қалби қувончга тўла турли соҳада меҳнат қилаётган одамларнинг шодон яйраб юришлари, теннис кортидаги қўлида ракетка тутиб бир-бирига гал бермаётган ёшлар, чойхоналарни тўлдириб ўтирган отахонлар, бунёдкорлик ишларининг ижодкорлари... Улар ўзлари яратган ана шу жойларда ўзлари мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Ваҳоланки, атиги бир неча йиллар аввал бу жойлардаги хароба ҳолат шаҳар ҳуснига доғ тушириб турарди.

Ҳаёл оғушида қанча вақт ўтганини билмайман. Орқадан биров исмимни айтиб чақиргандай бўлди. Ўгириб қарасам, қаршимда ўша курсдошим Муҳаммадсаид турарди. Талабалик йилларини эслаб, анча суҳбатлашдик. Юртимизни саёҳат қилгани келган бўлса керак, деб ўйлагандим.

— Университетни тугатиб, туғилган шаҳримга бордим, — деди у. — Беш-олти йил турли жойларда ишлаб кўрдим. Бироқ муаммолар қалашиб кетди. Ўша кезларни эсласангиз истиқлол, Ватан ҳақида устозларга кўп саволлар берардим. Аммо ўзим ич-ичимдан қаттиқ зил кетарди. Негаки, насабимиз курдлардан. Миллат тарихи узоқларга бориб тақалсада, давлатчиликда ўрнимиз йўқ. Ўшанда саволларимнинг ҳар бири ўзимга қарата айтилгандай бўларди. Ўзбекистон мустақилликка эришганини эшитиб, оиламиз билан чин дилдан қувондик. Ахир, беш йил



*Биз бир ёндан*

# ТАФТИШҚЎМ АЪЗОСИ

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойи қарорларида ташкилотнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, барча даражадаги касаба уюшма тафтиш комиссиялари фаолиятини кучайтириш, мавжуд маблағлар ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш асосий вазифа қилиб қўйилган.***

Авазмурод ака Кўкдумалоқ конига етиб келганида уни бошланғич касаба уюшма ташкилотининг раиси Исомиддин Раҳмонов очиқ чеҳра билан кутиб олди. Корхона касаба уюшма қўмитаси тафтиш комиссиясининг раиси амалга оширилаётган ишлар билан бирма-бир танишди, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли маслаҳатлар берди.

— Ташкилот пул маблағлари ва мулкини сақлаш, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатганмиз, — дейди тафтиш комиссияси раиси А. Беккиев. — Бунда асосий эътибор ходимларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган.



Тафтишкўм аъзолари Марат Шоҳимардонов, Галина Череевская, Алла Росторцева, Тоштурди Мирзаев, Ўзбекистон Қаҳрамони оператор Бўрон Рўзиев ва бошқа фаоллар билан Кўкдумалоқ, Шимолий Ўртабулоқ, Қуруқ, Жанубий Кемачи, Қоровулбозор, Умид каби конларда бўлиб, бошланғич ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан танишиб, амалий ёрдам кўрсатишди.

Пайғамбар ёшини қаршилаётган Авазмурод Беккиевнинг оловли дамлари Сирдарё кенгликларида ўтди. Падари бузруквори Бекки Саидов ўз даврининг донгдор кишиларидан эди. Мирзачўлни ўзлаштиришдаги жасорати учун тажрибали деҳқонга Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган. Ҳозирги пайтда Муборак туманидаги хўжаликлардан бири табаррук инсон номи билан аталади.

Ҳар бир киши туғилган жойини, авлод-аждодлари ҳоки ётган заминни қўмсаб яшайди. Бундан 30 йил муқаддам Аваз ака она юртига қайтиб, Қарши чўлқуварлари сафига қўшилди. Қаҳрамоннинг ўғли ҳам ҳалол ризқ топиб, эл-улус ўртасида обрў-эътибор орттирди. Иқтисодчи эмасми, катта-кичик вазифаларда туман иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Ўн икки йилдирки, Қашқадарё саноати гиганти "Муборакнефтгаз" унитар шуъба корхонасида меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими бошлиғининг ўринбосари вазифасида ишламоқда. Тажрибали мутахассис иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва ходимлар манфаатдорлигини яхшилашда фаол қатнашмоқда.

— Авазмурод Беккиев тафтиш комиссиясининг раиси сифатида жамоат ишларида ташаббускор ва ташкилотчи, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Жумақул Қурбонов. — Ташкилотда аъзолик бадалларини тўплаш, ижтимоий суғурта маблағларидан фойдаланиш аҳволи комиссия аъзоларининг доимий назоратида турибди.

Нафақат назорат, балки меҳнат аҳлини рағбатлантириш ва моддий ғамхўрлик бир-бирига боғлаб олиб борилаётганлиги ютуқлар гарови бўлаяпти.

Жамоада 3525 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим меҳнат қилади. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 2005 йилнинг шу даврида 162 минг сўмга тўғри келган бўлса, ҳозир бу рақам 183 минг сўмга етди.

Бунда А. Беккиев бошлиқ тафтишкўм аъзоларининг ҳам муносиб улуши бор, албатта.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Боқий удумларимиз*

***Самарқанддаги "Кинап" акциядорлик жамияти кейинги икки-уч йил ичида қаддини тиклабгина қолмай, турдош корхоналар орасида ўзига хос тараққиёт йўлига чиқиб олди. Анчадан буён ўз иш жойини соғинган, меҳнатга ташна ишчи-хизматчилар корхонага қайтишди. Уларнинг кучи ва бошқарувнинг саъй-ҳаракати билан жамият бинолари ва цехларига оройиш кирди. Бугун обод ва шинам жойларда ҳаёт қайнамоқда. Ишчи-хизматчи ва мутахассисларнинг кайфияти чоғ, руҳлари тетик. Албатта, бундай шодликка тантана ҳам, тўй ҳам ярашади.***

# ТЎЙМИСАН, ТЎЙ БЎЛДИ-ДА

Энг азиз ва энг улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги тантаналари кунлари корхонада элга берилган тўй кўпчиликнинг ёдида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди. Турли маҳаллаларда истиқомат қилувчи, кам таъминланган оилалар фарзандларидан 41 нафарига суннат тўй қилиб берилди.

Оқсоқоллар, меҳнати билан элга танилган фаоллар тўйболаларга сарпо кийдиришди, совға-саломлар улашилди.

— Бу удумларимиз алоҳида аҳамият касб этади, — дейди Ғафур Ғулом номли маҳалла оқсоқоли Ҳамид Маҳмудов. — Болажонлар боболаридан тўн кияр эканлар, қалбида шундай инсонлар бўлишдек туйғу бир умр сақланиб қолиши турган гап. Биз — катталарга ҳам бу анъана қувонч бағишлайди.

— Уйимизга завод ва маҳалла вакиллари боришиб, тўйга таклиф қилишганидан бошим осмонга етди, — дея суҳбатга қўшилди Боғисарой маҳалласида яшовчи Муяссар Фармонова. — Жаҳонгир учинчи фарзандим. Бизни йўқлаб турган яхшиларга минг бор қуллуқ.

— Мустақиллигимиздан айланай, — суҳбатни давом эттирда яна бир онахон Роҳатой Шерназарова. — Ҳеч ким эътибордан четда қолмаяпти. Буни ҳар доим ҳис қилиб келаяпмиз. Бугун Севинчбек ўғлимнинг суннат тўйини кўраяпман. Қувончим чексиз. Бундай бахтга муяссар бўлаётганлар, ўйлайманки, жуда кўпчиликни ташкил қилади. Бу юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлигидан.

Тўй-тантанада бундай самимий дил сўзларини айтганлар кўп бўлди. Муҳими, одамлар қалбида Ватанимизга, истиқлолимизга, боқий удумларимизга бўлган чексиз ҳурмат ва садоқат, бир-бирига ишонч руҳи сезилиб турарди. Санъаткорлар эса даврага шукуҳ бағишлади.

**А.ҲАЙИТОВ,**
**Р.ҚУРБОНОВ**

## АРМУҒОН

Юртимиз гўшаларида давом этаётган байрам шукуҳи Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака маҳалласида ҳам акс-садо берди. Айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кам таъминланган оилалар вакилларига совға-салом улашилгани барчанинг дилини хушнуд қилди.

— 2500 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламиз аҳли байрам ва яхши кунларни ана шундай кўтаринки кайфият билан нишонлайди, — дейди оқсоқол С.Кўбаев. — Хаста беморларни йўқлаймиз, уларга имкон қадар ёрдам кўрсатамиз. Бу гал ҳам ҳомийлар маблағи ҳисобидан бир гуруҳ маҳалладошларимизнинг коммунал тўловларини тўлаб бердик, совғалар улашдик.

**Ўз мухбиримиз**

# МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИ

***Публицистика***

***Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ одамлар онги ва тафаккурида ўзгариш ясаш учун ўзига хос қуйидаги тамойилларни ишлаб чиқишга тўғри келган эди. Бу тамойиллар умуминсоний қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик, маънавий меросни мустаҳкамлаш, инсонларнинг ўз имкониятларини эркин намоён эттира олиш қобилиятларини ривожлантиришдир. Орадан ўн беш йил ўтиб ана шу тамойилларни ҳаётга тадбиқ қилишга эришдик. Бу нарсалар халқ дунёқараши, яшаш тарзи, маънавий-руҳий эҳтиёжларидан келиб чиқиб таркиб топтирилди. Чунки, Шарқда азалдан маънавиятга таяниб яшаш, комилликка интилиш олий қадрият даражасига кўтарилиб келган. Одамларнинг миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодларидан қатъи назар, ягона ўлчов — инсонни инсонлиги учун улуғлаш, "бани одам" деган қутлуғ номга муносиб бўлиш бош мезон қилиб олинган.***

Ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунёқарашини ҳисобга олмаса, унинг эҳтиёжларига мос келмаса таназзулга учраши табиийдир. Шу боис ҳам Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигида ёрқин намоён бўлади. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Янгиланишнинг олий мақсади — ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун боғлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик маданияти, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилди.

Инсонпарварлик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, уларни асраб-авайлаш билан бирга уни янги замон талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш — тараққиёт мезони, миллий равнақ асосидир. Бундай руҳиятда ҳеч қачон бировга тазйиқ қилинмайди. Шафқатсизлик ва зўравонлик каби ғайриинсоний иллатларга барҳам берилади.

Олис ўтмишимизга назар ташласак, халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп асрлик тарихи давомида кўп оғирчиликларни бошдан кечирди. Маданият, илм-фан бобида кенг ютуқларга эришиши билан бирга кўп қадриятларидан айрилди ҳам. Ўзаро низолар, бегона юртлар асорати аламини тортди, энг яхши талантларидан жудо бўлди. Лекин ўтмишда жангу-жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам ўзбек халқининг маънавиятини, маданиятини ўзгартириб юборолмади. Бу ўз миллатимизга, халқимизга берилган энг холис, энг юксак баҳодир. Бу нарса бугунги мустақиллигимиз шароитида шаклланиб келаётган янги жамиятимизнинг маънавий қиёфасини белгилашда ҳам йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилаётир.

Бугунги кунда мустақиллик инсон имкониятларини кенгайтириб, унинг яратувчилик иқтидорини ва бунёдкорлик қобилиятини янада кучайтирмоқда. Энди одамлар реал воқеликка, ўз ҳаётини янги изга солишга эҳтиёж сезишмоқда. Улар яшаш ҳуқуқи, ўз оиласи дахлсизлиги ва истиқболи хусусида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолишди.

Айни пайтда истиқлолнинг мазмун-моҳиятини кундан-кунга чуқурроқ англай бошлашди.

Тўғри, ҳаётимиз ҳали биз орзу қилгандек мукаммал эмас. Ҳали турмушнинг ҳал этилмаган муаммолари кўп. Юлғичлик, фирибгарлик, порахўрлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, тўрачилик, манманлик, кибру-ҳаво, мансаб касаллиги ўткир ва юқимлилигича қолмоқда. Бироқ, булар мустақилликнинг, омма ва жамиятнинг муштарак равнақи билан, қонуннинг устуворлик кучи ортиши билан бартараф этиб бориладиган иллатлардир.

Маънавий оламимиздаги ўзгаришлар барча янгиланишларнинг асосидир. Зеро, Ватан, миллат тушунчалари тобора чуқурлашмоқда. Биз энди яшаб турган заминимиз, фуқаролигимиз жиҳатидан дахлдор бўлган мамлакатимиз, миллий равнақимиз ва истиқболимиз хусусида жиддийроқ ўйлайдиган бўлдик. Ҳар қандай моддий манфаатдорлик, иқтисодий тараққиёт бевосита маънавий етуклик туйғулари билан боғлиқ ҳолдагина ривож топиши мумкинлигини яққол кўряпмиз. Миллий равнақ ҳамма вақт ақлий имкониятнинг беқиёс кучига, онг ва тафаккур ривожига муҳтож эканлигини, унга таяниш ва суяниш лозимлигини чуқурроқ англай бошладик.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари, унинг тараққиёт йўллари хусусида ўзимизда ҳам, хорижда ҳам кўп гапирилмоқда. Мамлакатимизда миллий барқарорлик, миллатлараро муносабатларнинг мутаносиблиги, иқтисодий жараёнларнинг бир меъёрда ривожланиши, ишлаб чиқишнинг тобора такомиллаштириб борилаётганлиги, мамлакат маънавий-сиёсий муҳитининг соғломлиги тан олинмоқда.

Ана шундай муҳитни вужудга келтириш, мамлакатда барқарор тараққиётга эришиш — бу бевосита давлат сиёсатининг халқ талаб ва эҳтиёжларини, руҳий ва маънавий ҳолатини нечоғлик ҳисобга олганлиги билан белгиланади. Халқимиз азалдан меҳнаткашлиги, буюк яратувчилик қувватига эгалиги, ҳамиша эзгуликка интилиб яшаши, инсонга муносабатнинг ғоят ибратли жиҳатларини турмуш тарзига айлантиргани билан ажралиб туради. У ўз тақдирини қўшнисининг тақдири, қолаверса, маҳалла ва туман аҳли билан боғлиқ ҳолда тушунади. Меҳнати натижасини фахру ифтихор билан умумий меҳнат натижаси деб билади ва шу билан ғурурланади.

Миллий ифтихор туйғуси — ўз миллий мансублигидан фахрланишдир. Миллий ифтихор туйғуси ўз миллатининг бой тарихи, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш демакдир. Миллий ифтихор туйғуси ўзлигини англаш, ўзгаларни тушунишга даъват этувчи қудратли кучдир.

Миллатга мансублик ўта нозик ва айни пайтда жуда мураккаб ҳолат. Киши зарур бўлганда ҳаётидаги жамики неъматлардан ҳеч оғринмасдан воз кечиши мумкин. Бироқ ҳеч ким, ҳеч қачон миллий мансублигидан кеча олмайди. Уни хоҳлаган пайтида хоҳлаганча ўзгартира олмайди. Чунки, миллатга мансублик ҳислари инсоннинг қон-қонига сингиб кетган бўлади. Буни англамаганлар ғарибу бенаводирлар. Бироқ, миллатга мансублиги билан фахрланиш бошқа,

# ВАТАН БИТТАДИР



### Эҳтиром

# ЎХШАМАС

шу жойда таҳсил олдим, нон-туз едим. Ўзбек халқининг бағрикенглиги, айниқса, дилимдан чуқур жой олганди. Шу сабабли келажагимни сизлар билан бирга боғлашга таваккал қилдим. 15 йилдан буён шу ерда яшайман ва ишлайман. Мен энди ўзбекистонликман!

Тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга йўғрилган ҳукумат қарорлари мамлакатимиз аҳли қаторида четдан келиб шу соҳада мойиллиги бор кишилар учун ҳам кенг йўл очган ва ҳақ-ҳуқуқи амалдаги қонунлар доирасида ҳимояланган. Муҳаммадсаид бахтини, келажагини юртимиздан топганлардан бири.

У Наманган шаҳрида кичик корхона қуриб, аҳоли талаби бўйича турли хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Хомашё заҳираси ҳам бу жойда жуда кўп. Масалан, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар шартнома асосида қабул қилиниб, қайта ишланаяпти. Бир қисми арзон нархларда аҳолига етказиб берилаётган бўлса, қолгани хорижий давлатларга экспорт қилинаяпти. Даромад ҳисобидан корхона тармоқлари кенгайтирилаётир. Айни пайтда мана шунинг ҳисобига 60 нафар хотин-қиз ҳам доимий ишли бўлган, ҳам касб сирларини пухта ўзлаштирмоқда. Бизнес-режага кўра келажакда ана шу ишларнинг барчасини уларнинг ўзлари амалга ошириши кўзда тутилган.

— Андижонни талабалик йилларидан яхши биламан, — дея таъкидлайди у. — Бироқ халқнинг фаровонлигини, ободончилиги ва ҳар соҳада эришаётган ютуқларини кўролмайдиган кимсаларнинг ўтган йили қилган ишларидан оиламиз билан қаттиқ изтироб чекдик. Мустақиллик ҳар кимга ҳам осонликча насиб этавермаслигини бизлар яхши биламиз...

Қалби дардга ва армонларга тўла бир мусофирнинг сўзларини тинглаб, ўйланиб қолдим. Шу юртда яшаб, яхши кунларга эришиш йўлидаги оғир дамларга туриб беролдикми? Унинг келажаги ва пойдевори мустаҳкамланишига, маънавияти илму-урфонлар билан тўлишига қандай ҳисса қўша олдик?!

Шуларни хаёлдан ўтказар эканман, Мустақилликни мустаҳкамлаш учун аввало, уни теран англамоқ ва мардона ҳимоя қилмоқ керак, деган хулоса юрагимни тўлдириб бораётганини ҳис қилдим.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**



# БАЙРАМ ШУКУҲИ

***Истиқлол шарофати туфайли Сирдарёда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўтган даврда 15 минг 643 дан ошиқ оила томорқа участкаларига эга бўлди. 7400 дан ошиқ янги ҳовли-жойлар барпо этилди.***

Тўй тўёнаси билан, дейдилар. Халқимиз шодумон кунлар учун алоҳида тараддуд кўришга одатланган. Юрт мустақиллигининг 15 йиллик байрамига мирзачўлликлар ҳам муносиб армуғон ҳозирлашди. Бугун вилоят шаҳар ва қишлоқларини оралаб ўтган магистрал йўлга кўпларнинг ҳаваси келмоқда. Собиқ чўлга кумуш камардек зеб бераётган Тошкент-Термиз автомобил йўлининг 37 километрини барпо этиш масъулияти сирдарёлик йўлсозлар зиммасига тушганди. Улкан қурилиш иқтисодий тежамкорлик, юқори сифат ва сурат билан олиб борилди.

Изланиш, интилиш маҳсули ўлароқ бир йўла иккита дафина, аниқроғи, тош ва қум конлари очилди. Қўриқ бағридаги ноёб хомашё базаси йўллар равонлиги ва бехатарлиги учун йўналтирилди. Ўрни келганда, Янгиер асфальт заводи хизматини тилга олиш жоиз, янги қувватларни ишга тушириш, мавжудлари самарадорлигини ошириш ҳисобига қарийб ярим миллион тонна қоришма ва қотишмалар тайёрланди. Бу илгариги йиллардагидан икки баробар ошиқ деганидир.

Обод ва гўзал масканлар яратиш ишқи сирдарёликларни ҳамиша олға ундаб келмоқда. Вилоятдаги 130 га яқин маҳаллада ҳашар йўли билан ёзги ўйингоҳлар қурилди. Шарқона жилоси билан эътиборни тортувчи гузарлар қад ростлади.

Гулистоннинг шаклу шамойилини тубдан янгилаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар жадаллашди. Биргина "Дўстлик" канали қирғоқларини ободонлаштириш, сўлим хиёбонга айлантириш долзарб вазифа сифатида белгиланди. Қирғоқ бўйида кенг ва равон кўча барпо этиш эвазига йўллардаги ҳаракат таъминланди. Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга янги ишга туширилган ёзги чўмилиш бассейни манзур бўлмоқда. Танни чиниқтириш, зилол сувдан баҳра олиб ҳордиқ чиқариш мумкин. Темир йўл бекати қошидаги бозор тўлиқ реконструкция қилингач, ўзгача шарқона гўзаллик вужудга келади. Янги бекату расталардаги ўзига хос боғланиш уйғунлик касб этмоқда.

Меҳнатидан мамнун, турмушидан рози кишиларнинг кўнглига шодиёналар сиғади. Бугун Сирдарё вилоятининг ҳар бир қишлоғи, овули, туману шаҳарларида истиқлол қўшиғи баралла янграяпти. Вилоят марказидаги истироҳат боғи, ёзги томошагоҳ, янги ишга туширилган амфитеатр кишиларнинг маданий дам олиш масканига айланган. Байрам шукуҳи маҳалла, гузарларда, хонадонларда кезиб юрибди.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**

### Мардлар қўриқлайди Ватанни



# ЮРТ ПОСБОНЛАРИ

***Энг улуғ, энг азиз байрамимиз истиқлолнинг 15 йиллик тантаналари кенг нишонланаётган шу кунларда қалбларимиз бунёдкорлик, яратувчанлик руҳи билан жўшиб-тошаётир. Мустақиллик ана шу туйғуларни юракларимизда алангалатаётир.***

Атрофга синчков назар билан боқсак, талотўп дунёнинг доимо чайқалиб туришини англаймиз. Қаерлардадир уруш олови кўкка ўрлайди. Турли можаролар тинчликка, хавфсизликка таҳдид солаётганининг гувоҳи бўламиз. Вайронагарчиликдан боши чиқмаётган халқлар, миллатлар борлигини кўрамиз. Шунда юрак-юрагимиздан шукроналик ҳисси уйғониб, бугун кўз ўнгимизда юз бераётган бунёдкорлик ўз-ўзидан бўлмаётганини чуқурроқ англаймиз.

Президентимизнинг "Мустақиллик — бу аввало ҳуқуқдир" деган пурмаъно фикрлари бор. Бунинг замирида улкан мазмун-маъно мужассам. Бу халқимизнинг ўз кучи, билими ва салоҳиятига таяниб, ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб олиш, истиқлол йўлида шаҳид кетган аждодларнинг асрий орзу-ниятларини, истакларини рўёбга чиқариш, қолаверса, ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслик, ҳеч кимдан кам бўлмаслик ҳуқуқи дегани. Ўзини ҳимоя қилолмайдиган миллат, халқни том маънода мустақил, деб бўлмайди.

Яхши биламизки, мустақиллигимизга кўз олайтирувчилар бор. Тараққиётимиз йўлида бунга бир неча бора амин бўлганмиз. Дейлик, турли ахборот хуружлари билан, демократия ниқоби остидаги иғволар билан қилинаётган ишлар ҳали хотирамиздан кўтарилгани йўқ.

Албатта, ўтган 15 йиллик давр тарих учун катта фурсат эмас. Аммо бугун фахр, ғурур билан таъкидлашимиз лозимки, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда асрларга тенг ўзгаришлар, янгиланишлар бўлди. Шу жумладан, миллий армиямизда ҳам. Қуролли Кучларимизда ўтказиб келинаётган ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, бу жараён халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони ҳисобланган армиямиз ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги лозим, деган ғоядан озиқланаётганини ҳис қиламиз.

Бир эсга олинг. Истиқлол арафасида, аниқроғи 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг бор-йўғи 0,6 фоизинигина ташкил этарди. Бу эса ушбу масаланинг ўта долзарб бўлганини кўрсатарди. Шу боис ҳарбий таълим тизимида изчил ислоҳотлар олиб борилди. Ҳарбий билим юртлари, улардаги факультет ва кафедралар сони ортди.

Фахримиз, ифтихоримизга айланган Қуролли Кучлар академияси ҳақида узундан-узоқ тўхталишимиз мумкин. Аммо асосий гап ҳарбий таълим сифатида. Унинг замон талабларига қай даражада жавоб беришида. Яхшиси, мисолларга мурожаат қилсак. Пўлатжон Сотиболдиев дастлаб мамлакатимиз ҳарбий билим юртида соҳа илмини эгаллади. Сўнгра Буюк Британиянинг Қироллик академиясида таҳсил олиб, юксак ақлий салоҳияти, билими, иқтидори билан тингловчилар орасида алоҳида мукофотга сазовор бўлди. Биргина ана шу мисолнинг ўзиёқ юртимизда ҳарбий таълим тизими замон талаблари асосида ривожланаётганини, бу борада ўзимизга хос ва мос йўлимиз борлигидан далолат беради. Шунингдек, ислоҳотлар меваси бўлган сержантлар тайёрлаш мактабларини битирган фарзандларимиз бугун том маънода армиямиз суянчи ва таянчига айланган. Энди биз сержант деганда аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси, ҳарбийликни касб, деб биладиган ўғлонларни тушунамиз. Билимда, маҳоратда, ҳар қандай ривожланаётган мамлакатнинг кичик командирлари билан бемалол беллаша оладиган ҳарбийларни тушунамиз. Ҳа, истиқлол сержантга ана шундай юксак мақом берди.

Бир сўз билан айтганда, кадрлар масаласида шу юртнинг сувини ичиб, тузини татиган, камолга етган ватанпарварларга суянамиз. Сабаби, уларнинг қонида саркарда боболари, буюк аждодлари матонати, шижоати, жасорати жўш уради. Роппа-роса бир йил муқаддам — истиқлолнинг 14 йиллик тўйида чегарачи оддий аскар Санжар Мирзаев Президентимиз Фармонига биноан "Жасорат" медали билан тақдирланган эди. Ўшанда Санжар сарҳадларимизга суқилиб кирмоқчи бўлган ғанимларнинг йўлига тўғаноқ бўлди. Ярадор бўлиб, ҳолдан тойса-да, ўз бурчини охиригача бажарди. Хўш, унинг юрагида миллатимизнинг жажжи бир қиёфаси, қалбида Ўзбекистоннинг сурати акс этиб турибди, дея ким айтмайди?! Ёки Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллигида "Шуҳрат" медали билан тақдирланган оддий аскар Маъруфжон Ҳайдаровнинг жасоратини олайлик. Тартиббузар унинг Низом бўйича огоҳлантиришларига парво қилмагани учун, посбон армияда ўрганган қўл жанги ёрдамида унга қарши чиқа олди. Шубҳасиз, юрагида юртига бўлган меҳр туйғулари балқиб турган бундай йигитлардан қўрқув ҳам қочмай иложи йўқ.

Бугун огоҳлик, ҳушёрлик асосий қуролимиз эканлигини бот-бот таъкидлаяпмиз. Ўзимизни, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз кераклигини айтаяпмиз. Негаки, халқаро терроризм, диний экстремизм тинчликка, хавфсизликка дахл қилмоқда. Яқинда шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Баҳодир Каримов ва Собир Маҳкамбоевлар ўзларига топширилган жанговар вазифани виждонан адо этиб, ҳақли равишда армиямизнинг таянчи ва суянчи эканликларини исботлашди. Бу посбонлар ўта муҳим иншоотни қўриқлаб туриб, шубҳали, номаълум кимсаларни қўлга олишди. Ёки яна шундай объектни қўриқлаб турган уч нафар шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Ғофур Қаҳҳоров, Умид Мингбоев, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Носир Мамажоновларнинг ҳушёрликлари сабаб ғаламис кимсалар ўз ниятларига ета олишмади. Хўш, уларни постларида сергак, огоҳ туриб, Ватанни ҳимоя қилишга ундаган куч нимада? Сўзсиз жаннатмакон она-Ўзбекистонига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатда. Бундай ҳарбийларни енгиб бўларканми? Ислоҳотлар мазмун-моҳиятига назар ташлаб, шуни англаймизки, улар аввал бошданоқ юксак жанговар қобилиятга эга, замон талабларига мос ва хос Қуролли Кучларни шакллантиришга йўналтирилди. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, миллий армиямиз ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаракат қилишга тайёр туриши, юртимизнинг жўғрофий-стратегик мавқеини ва ҳудудимизнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган ҳар қандай хавфни бартараф этишга, унга қуруқликда ҳам, ҳавода ҳам муносиб зарба беришга шай бўлмоғи лозим. Табиийки, шу ўринда жанговар салоҳият, қобилиятга эътибор қаратилди ва бу жараён узвий давом этмоқда. Буни узоққа бориб ўтирмай, яқинда биринчи курсга қабул қилинган курсантлар билан ўтказилган жанговар техника ва қурол-аслаҳанинг намойиши билан боғлиқ кўргазмали-амалий машғулот мисолида кўришимиз мумкин.



Энг аввало, биринчи курсга қабул қилинган йигит миллий армиямизнинг қудратини, Ватанни, тинчлик-осойишталикни ҳимоялашдаги имкониятларни теран англайди. Бу эса унда Қуролли Кучларимизга нисбатан фахр, ғурур туйғусини алангалатади. Демакки, ватанпарварлик туйғулари қалбида жўш уради. Ўзидан катта курсларда таҳсил олаётганлар жанговар техника ва қурол-аслаҳа ёрдамида кўз ўнгида машқлар бажариб, маҳоратини намоён этар экан, унда ҳам ҳавас шаклланади. Тажриба, малакаларини оширишга ҳаракат қилади. Қарабсизки, бора-бора у жанговар техника, қурол-аслаҳани ишонч билан бошқаришда изланади, тажриба тўплайди, жанговар тайёргарликка катта эътибор қаратади. Ана шундайин зарур ва муҳим машғулотлар билан курсант офицерликка пойдевор қўяр экан, бу ўз-ўзидан маҳоратнинг, жанговар тайёргарликнинг савияси янада ортади, дегани.

Бугун озод юрт посбони мақоми баланд. Ўзбекистон ҳарбийлари деганда, кўз олдимизга нафақат жисмонан бақувват, балки энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган, юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, халқига чексиз садоқати билан ажралиб турадиган марду майдонлар келади. Мустақиллик берган бундайин имкониятлар билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

**Алижон САФАРОВ,**
**майор,**
**Роза САЙДАҲМЕДОВА,**
**"Ишонч" мухбири**

### Етакчи минбари

***"Файз" мебел ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятини бугунги кунда нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам яхши билишади. Чунки бу ерда тайёрланаётган сифатли, жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар чет эллик мижозларнинг ҳам эътиборини ўзига тортмоқда.***

# КАСАБАҚЎМ ФАОЛЛИГИ
## кўп нарсани белгилайди

Инсон омилига жиддий эътибор билан қаралган иш жойларида меҳнаткаш манфаати юксак қадрланади. Меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлади. Бу борада иш берувчи билан ишчи-хизматчилар ўртасидаги меҳнатга оид ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш мақсадида тузиладиган жамоа шартномаларининг аҳамияти катта. Бизда қабул қилинган жамоа шартномасининг энг асосий бўлимларидан бири меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига бағишланган. Унда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан келиб чиқиб, инсон соғлиғи учун зарарли омилларни бартараф этиш ҳамда иш жойларини санитария-гигиеник жиҳатдан талаб даражасида бўлишига алоҳида эътибор қаратилган. Шунинг учун корхонада ходимлар касб маҳоратини ошириш ҳамда иш вақтида юзага келадиган жароҳатланишларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгаши етакчи мутахассислари, техника хавфсизлиги бўйича вакиллар иштирокида семинарлар ташкил этилмоқда. Жумладан, шаҳар касаба уюшма кенгаши бош мутахасс
Х. Исломов иштирокидаги очиқ семинарда амалдаги қонунга мувофиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, меҳнаткашлар соғлиғига зарар етказувчи омилларни бартараф қилиш, иш жойларида санитария-гигиена талабларига тўла риоя этиш тўғрисида кўрсатмалар берилди.

Ўтган йили корхона бўйича 11 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шунга яраша ишловчиларнинг даромади ҳам яхшиланди. Қувонарли томони шундаки, меҳнат муҳофазаси қоидаларига амал қилингани боис, иш жараёнида жароҳатланишларга йўл қўйилмади. Ходимлар махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. Улар ҳар йили бепул тиббий кўрикдан ўтишади. Тиббиёт хонаси, ювиниш ва кийиниш хоналари қайта таъмирланди. Ўтган йили янги иситиш қозонхонаси қурилиб, ишга туширилди. Натижада цех ва бўлимларда иситиш даражаси меъёрида бўлиб, бу маҳсулот сифатига ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда. Касб касалликларининг олдини олиш мақсадида цехларга шамоллатиш қурилмалари ўрнатилган. Уларнинг бир меъёрда ишлашини муҳандислар мунтазам назорат этиб боришади.

Ишловчининг ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилиши, муносиб рағбат топиши кўп ҳолларда касаба уюшма ташкилоти етакчисининг фаоллиги ҳамда жонкуярлигига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти давридаги айрим мураккабликларга қарамасдан, маъмурият касаба уюшма ташкилоти билан ҳамкорликда кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор берилган. Корхонада ҳар бир байрам алоҳида шукуҳ билан нишонланади. Айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари эъзозда. Байрам тадбирига кела олмаган кексаларнинг уйларига бориб, ҳолидан хабар олинади.

Ҳомийлик ва хайрия тадбирлари ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Масалан, Янги ҳаёт маҳалласидаги 7-мактаб доимий оталиққа олинган бўлиб, бир миллион сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди. Туманда истиқомат қилувчи ёлғиз пенсионерлардан 5 нафарининг иссиқ-совуғидан мунтазам равишда хабардор бўлиб турибмиз. Шунингдек, тумандаги Болалар спортини ривожлантириш фондига, "Экосан" халқаро жамғармасига ва кўзи ожизлар жамиятига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Ишловчиларнинг соғлигини тиклаш, дам олишини ташкил этишга ҳам эътибор қаратганмиз. Уларнинг аксарияти Тошкент вилоятидаги сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланма билан юборилади. Сергелидаги теннис корти ва сузиш ҳавзаси ишчи-хизматчилар ихтиёрига берилган. Корхонамиз қошидаги тиббиёт бўлимида фитобар ташкил этилган. Бу ерда саломатлик сеанслари мунтазам ўтказилмоқда.

**Холида МУҲАМЕДОВА,**
**"ФАЙЗ" корхонаси**
**касабақўм раиси**

# ВА МИЛЛИЙ ИФТИХОР

миллатчилик бошқа нарсадир. Ўзига бино қўйиб, миллатига ортиқча баҳо бериш ҳамма вақт шахс ҳаётини ҳам, миллат истиқболини ҳам инқирозга олиб боради. Миллий кибр, ўзга миллатларни менсимаслик, камситиш охир-оқибатда миллатлараро низоларнинг кучайишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда мавжуд барқарорликнинг асоси шу замин фуқароси бўлган барча миллатлар учун мамлакат тарихи, унинг асрлар мобайнида тўплаган қадриятлари умумий ғурурга айланганлигидир.

Миллий ифтихор туйғусининг яна бир жиҳати шундаки, у шахснинг энг аввало қайсидир миллатга мансублиги, унинг кенг имкониятларидан қувона олиш фазилатигина эмас, балки яшаб турган заминга, фуқаролиги дахлдор бўлган мамлакатга муносабат белгиси ҳамдир. Миллий ифтихори кучли бўлган шахс ўз мамлакати билан фахрланади ва унинг тақдирига бефарқ қарамайди. Миллий ифтихори кучли бўлган шахс истиқболни чуқурроқ англайди. Унинг эртаси бугунидан кўра мукаммалроқ бўлишига интилади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси бевосита миллати ва элатидан қатъи назар, аҳоли турли табақасининг умумий манфаатларига мос келадиган мақсадлар муштараклигидадир.

Жамият тараққиётида омма фикрини бир нуқтада жамлаб, унинг имкониятларини бир ўзанга солиб, умумий тараққиёт йўлига бошлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода мустақилликка эришилгандан кейин яқин ўтмишимизда кенг тарқалган кўпгина иллатлардан воз кечилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Яъни жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муҳитини парокандa қиладиган, одамлар фикрини чалғитадиган ҳодисаларга барҳам берилди. Мамлакат ва халқ манфаатлари йўлида бирлашиш, кучларни уйғунлаштириш, барча имкониятлардан эҳтиросларга берилмай, ақл-идрок билан фойдаланиш йўли тутилди. Оғир-вазминлик, мулоҳазакорлик, андиша, узоқни кўзлаб иш тутиш доимий тамойилга — турмуш тарзига айлантирилди.

Айтиш мумкинки, миллий ифтихор туйғуси, миллий мансубликни чуқур англаш ва уни эъзозлашга интилиш маънавий эҳтиёж маҳсулидир. Миллий ифтихор, энг аввало, ўзлигини англаш, миллий равнақни таъминлаш йўлидаги хатти-ҳаракат, ўз миллати истиқболи олдида масъулликнинг беқиёс намунасидир. Миллий ифтихор эгаси бўлган киши, энг аввало, ўз миллати ўтмишини яхши билган, уни қадрлай оладиган, янгича шароитлар ва ҳолатларда бойитиб борадиган комил инсондир. Акс ҳолда миллий ифтихор ҳисси ҳавойилик белгиси ва шунчаки даҳанаки мақтанчоқлик воситасига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Турли миллатлар турли шароитда ўзига хос руҳий ва маънавий феъл-атворга эга бўлганлиги сир эмас. Шунинг учун ҳам турли минтақада яшаётган халқлар турлича яшаш тарзига, урф-одатларга эга бўлишган. Жумладан, ўзбекларда диёнат, ор-номус, шарм-ҳаё ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида муҳим фазилат деб қабул қилинган. Аҳоли ўз ҳуқуқи нормалари доирасида амал қилинаётган қонунларга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирсагина жамиятнинг маънавий қиёфаси баркамол, шахснинг яшаш тарзи етук, эркинликлари эса кўнгилдагидек бўлади.

Мустақиллик яратган кенг имкониятлар туфайли минг йиллар мобайнида халқимиз онгига ўрнашган, турмуш тарзига айланган, бутун ақидаларига, руҳий ва маънавий кечинмаларига жо бўлган ислом динига муносабат кескин ўзгарди. Жумладан, 70 йил мобайнида хурофот, бидъат деб аталган ислом дини маърифатпарвар ва юксак маънавиятга етакловчи қудратли ғоя эканлиги рўйи-рост эътироф қилинди. Комилликка даъват этувчи улуғ аждодларимиз номи тикланди. Шу билан бирга юртимизда диний мутаассибликка, исломни сохталаштиришга йўл қўйилмади. Аксинча, ислом ғоялари юксак маънавият ва баркамоллик мезони, бой маънавият сарчашмаси сифатида талқин қилинди. Асрлар мобайнида халқимиз қонига сингиб кетган ақидаларга одилона баҳо берилди. Натижада миллат юрагида эртанги кунга ишонч кучайди. Ўтиш даври машаққатларини бартараф этишга рағбат ва куч пайдо бўлди. Бу эса мамлакатдаги умумий барқарорликнинг тобора чуқурлашиб боришида муҳим омил бўлди. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик тўла таъмин этилди.

Ягона ватан — ягона хонадон тушунчаси янгича мазмун-моҳият касб этди. Бу борада миллий равнақ, ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, тили ва маданиятини такомиллаштириш қонун билан кафолатланганлигини ҳам алоҳида уқтириб ўтиш жоиз. Шу боис умумий хонадон тинчлиги учун масъуллик бурчи, тенгҳуқуқли фуқаролик талаби юксак даражадаги виждон ва иймон ишига айланмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий ислоҳотларнинг маънавий асоси тобора чуқурлашиб бормоқда. Дейлик, қадим замонларда камбағал болаларга кўплашиб ёрдам бериш яхши анъаналарга айлантирилиб, унинг номини "жўвонимардлик" деб атаб келишган. Шўролар даврида унутилган бу анъаналар мустақиллик шароитида янгича шаклга эга бўлди. Жумладан, кам таъминланган оилаларга давлат йўли билан ёрдам бериш тизими ишлаб чиқилди ва у давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу бошқа ёш мустақил мамлакатларда кам учрайдиган ҳодисадир.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**филология фанлари номзоди**



*Санъат*

# УЗУКЖАМОЛНИНГ ОРЗУЛАРИ

Исмда тақдир яширинган, дейдилар.

Фарзандга қай ният билан исм қўйилса, у ўша йўлдан кетар эмиш. Узукжамолнинг ота-онаси ёш актрисанинг маҳоратини кўриб, унга меҳри тушиб қолгач, қизларини шу ном билан аташган экан.

– Туркман ёзувчиси Хидир Деряевнинг "Қисмат" асари асосида ишланган теленовелла намойиш этилаётган йилларда мен туғилганман, – дея эслайди ёш хонанда Узукжамол Турсунбоева. – Бош қаҳрамон – Гулчеҳра Саъдуллаеванинг Узукжамол роли оиламиз аъзоларини лол қолдирган. Шу туфайли менга теленовелладаги исмни қўйишган экан.

Орадан йиллар ўтиб, Узукжамол бир-иккита қўшиғи билан одамлар тилига тушгач, таниқли актриса Гулчеҳра Саъдуллаевани излаб топди. Учрашишди. Бирга суратга тушишди. Ҳанузгача дийдорлашиб, санъат ҳақида сўзлашадилар...

Узукжамолнинг халқ йўлида куйлаши ва қўшиқларидаги эркаловчи оҳанг, ширали, овоз, меҳр ва эҳтирос кўпчиликка маъқул бўлган. Айниқса, унинг "Кумушбиби ноласи"ни берилиб куйлагани ҳақида алоҳида таъкидлаш мумкин. Бу қўшиғи билан у тингловчи олқишини олди, ҳатто улкан давраларда устоз санъаткорлар томонидан юқори баҳоланди.

"Ёр-ёр" қўшиғида хонанда қадимги момолар ўланларини беихтиёр ёдимизга солади. "Воҳа-воҳа"да эса халқимизнинг гўзал урф-одатлари мужассам. "Соғинаман" қўшиғида аёл қалбининг нозик ҳиссиётлари ифода этилади. Умуман, унинг халқ йўлида куйлаётган кўплаб қўшиқлари маъно-мазмунга путур етказилмаган ҳолда соҳир овоз ила сайқалланиб тингловчи қалбининг туб-тубигача етиб боради. "Яхши йигит", "Юлдузлар", "Сен қайдасан?" қўшиқларида ҳам мусиқа эмас, мазмун етакчи ўринда туради. Айни кунларда хонандага чекка вилоятлар ва олис қишлоқлардан даста-даста мактублар ёзилмоқда, "Қўшиқларингиз мухлисиман" деган кўнгил изҳорлар айтилаётир. Аслида бу ҳам ёш хонанда ижодига берилаётган холис баҳодир!

Узукжамол бошқа халқларнинг ҳам соҳира ижрочиси. Тожикча "Ситорахон", қозоқча "Саржайлов", қирғизча "Балам-балам", русча "Люблю тебя" қўшиқлари билан бир неча бор саҳнага чиққанида томошабинлар уни гулларга, олқишларга кўмиб ташлашди.

– Ҳали зиммамда вазифалар кўп, – дейди Узукжамол. – Санъат масъулиятини чуқур тушуниб етишим, саҳна одоби, қўшиқ этикаси ва тингловчи олдидаги масъулиятни унутмаслигим керак. Янги қўшиқлар яратишимда устозларим, умр йўлдошим Отабек аканинг кўмаги катта. Мен ҳамиша оила аъзоларимга суянаман. Орзуим – эл юрагидан жой олган Узукжамолга айланишдир. Меҳнаткаш ва танти халқимизнинг чиройли фазилатларини қўшиққа солсам, дейман. Ҳур ва озод юртимни қўшиғим орқали дунёга кўз-кўз қилсам, дея орзу қиламан.

**Г.ЖАМИЛОВА**

*Фахр*

# ЧЕМПИОНЛАР УСТОЗИ

***Рустам Тўраев. Бу ном нафақат бухороликлар учун, мамлакатимиз кураш ихлосмандлари, айниқса спортчилари учун яхши таниш ва эъзозли. Бундай ҳурмат ва эътиборга у ўзининг шахсий ибрати, меҳнати, фидойилиги, камолотга етаётган шогирдларига нисбатан ғамхўрлиги, айни пайтда талабчанлиги туфайли сазовор бўлган. Устоз тарбиясини олган полвонларнинг кўпчилиги мамлакат, қитъа, халқаро ва жаҳон гиламларида маҳоратларини муваффақиятли намойиш этишган.***

Жорий йилда Рустам аканинг спорт соҳасидаги фаолиятига 40 йил тўлади. Ортда қолган ҳаёт йўлига назар ташлаган одам ибрат китобини мутолаа қилгандек гўё. Рустам ака Тўраев 1965 йилда Олотдаги 16-ўрта мактабни, 1970 йилда эса Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ)-ни имтиёзли диплом билан тугатди. Олган билимларини Бухоро шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, вилоят "Пахтакор" кўнгилли спорт жамияти, Олотдаги 20-болалар ва ўсмирлар спорт-интернат мактабида қўллаб, ёшларни чиниқиш ҳамда маҳорат сари етаклади.

Айниқса, мустақиллик давридаги фаолияти умр дафтарини янада безади. Бу даврда у спорт мактаб-интернат директори ва мураббий вазифаларида ишлади. Уч йил давомида дзюдо кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоасига бош мураббийлик қилди. Кейинчалик халқаро Кураш ассоциациясида ҳакамлар ҳайъати директори бўлди. 2001 йилдан буён эса Олотдаги 7-олимпия спорт мактаб-интернатида директор вазифасида ишлаб келаяпти. У дзюдо бўйича 6-ДАН соҳибидир. Ўз даврида мамлакат биринчилиги ва халқаро мусобақаларнинг бир неча марта ғолиблигини қўлга киритган.

Рустам Тўраев Ўзбекистон миллий терма жамоасига раҳбарлик қилган пайтда 17 нафар спортчи Осиё чемпионати, биринчилик ўйинларининг ғолиби ва совриндорлари бўлишди. Жумладан, шогирди Фарҳод Тўраев Ўзбекистон дзюдоси тарихида илк бор жаҳон чемпионати кумуш медалини қўлга киритди. У бир нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, 5 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 20 дан ортиқ спорт устаси ва 100 дан зиёд спорт усталигига номзодларни тайёрлади.

Камол Муродов, Фарҳод Тўраев, Мансур Жумаев, Рамзиддин Саидов, Асадулло Бозоров, Ришот Собиров, Ҳикмат Қуртов, Окобир Туробов, Алишер Курязов, Малик Қодировлар мамлакат ва жаҳон гиламларида муваффақият қозонишди. Айни пайтда Рустам ака етакчилик қилаётган мактаб-интернатда 170 нафар ўғил-қиз дзюдо ва кураш сирларини кунт билан ўрганиб, нуфузли мусобақаларда ғолиблар сафидан ўрин олаяптилар.

Ҳаётини спортга бағишлаган чемпионлар устози Р.Тўраевнинг хизматлари мустақиллик йилларида қадр топди. Бугун унинг кўксини II даражали "Соғлом авлод учун" ордени, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози" унвони, "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси", "Энг яхши тренер" ва бошқа нишонлар безаб турибди. Оиласи кўпчилик учун ибрат. Турмуш ўртоғи, моҳир педагог Қурбоной Турсунова билан 6 ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Улар: Шерзод — физика-математика фанлари номзоди, ҳозир у Испанияда докторантурада таҳсил олмоқда. Фарҳод — мамлакатда таниқли спортчи, мураббий, Мурод — муҳандис. Дилшод — спорт мактаб-интернатда бош мураббий. Озоджон — дзюдо бўйича республика тоифасидаги ҳакам, Беҳзод — олийгоҳ талабаси, бўлажак иқтисодчи.

Ана шундай. Рустам аканинг ғайрат-шижоати сусайгани йўқ. Орзулари ҳамон бисёр.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Эрур аҳли ҳунар қошида ҳунар,*
*Айб ёпмоқ, доғи ҳунар топмоқ.*
*Ҳунарин элнинг ошкор этмоқ.*
*Йўқ эса бори айбини ёпмоқ.*

**Алишер НАВОИЙ**

*Спорт янгиликлари*

## ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУТИБ ОЛИНДИ

Ўзбек халқининг азалий қадриятларидан бири бўлмиш кураш мустақиллик йилларида дунё юзини кўрди, десак муболаға бўлмас. Курашимиз бугун жаҳоннинг беш қитъасида маълум ва машҳур. Қитъа ва жаҳон чемпионатлари, халқаро турнирларнинг мунтазам ўтказиб келинаётгани курашнинг дунё бўйлаб "яшин тезлиги"да оммалашувига хизмат қиляпти.

Куни кеча Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида кураш ва белбоғли кураш бўйича Осиё чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Қитъанинг 20 дан ортиқ мамлакатларидан полвонлар иштирок этган ушбу чемионатда кураш ватани вакиллари муносиб қатнашдилар. Оғир вазнда гиламга тушган ҳамюртимиз Давлат Чориев афғонистонлик машҳур полвонни ҳалол усулда енгди ва Осиё чемпиони унвонини қўлга киритди. Унинг жамоадошлари Суҳроб Худойбердиев (66кг), Бобомурод Рустамов (73 кг)лар ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

Белбоғли кураш бўйича ўтказилган биринчи Осиё чемпионати ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. 81 килограмм вазнда гиламга тушган Рустам Исоқов олтин медал соҳиби бўлди. Полвонларимиздан Р. Умаров ҳамда О. Ҳайитов (90 кг)лар совриндорлар сафидан жой олди.

Умуман афғон диёрида ўтган кураш байрами маҳаллий халқ томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

— Афғонистонлик ёшлар, кураш ишқибозлари, давлат арбоблари ушбу баҳсларни зўр қизиқиш билан томоша қилдилар, — дейди Белбоғли кураш Федерацияси Президенти Р. Исоқов. — Ушбу мамлакат кураш Федерацияси ва бизнинг вакилларимиз ўртасида курашни ривожлантириш бўйича келишувлар имзоланди. Энди ўзбек кураши Афғонистонда ҳам биринчи рақамли спорт турига айланса ажаб эмас.

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯНА ТОШКЕНТДА!

Теннис бўйича Осиё чемпионатига яна пойтахтимиз Тошкент мезбонлик қилмоқда. Жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатлари ёш теннисчилари ушбу чемпионатда ўз кучларини синовдан ўтказади. Кеча чемпионатнинг саралаш баҳслари ниҳоясига етиб, асосий турда майдонга тушадиган теннисчилар номи маълум бўлди. Чемпионатнинг асосий босқичида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари кўпчиликни ташкил этяпти. Узоқ муддатли танаффусдан сўнг истеъдодли теннисчимиз Ирода Тўлаганова яна кортга қайтди. Биринчи турни хитойлик теннисчи қизга қарши ўтказган Ирода осонгина ғалаба қозонди. У турнир ғолиблигига асосий даъвогарлардан бири саналади.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилги чемпионатда ҳамюртларимиз Оқгул Омонмуродова ҳамда Деннис Истоминлар ғолибликни қўлга киритиб, Австралия очиқ чемпионатига йўл олганди. Оқгул бу галги баҳсларда иккинчи турдан бошлаб қатнаша бошлайди.

## ҚОИДАЛАР ҚАТЪИЙЛАШДИ

Европа футбол иттифоқи (УЕФА) футбол ўйини вақтида ҳакамларга босим ўтказиш мақсадида бўлган футболчиларга қарши "уруш" очди. Футбол мутахассислари ва ҳакамлари томонидан қайта кўриб чиқилган қоидалар ҳакамларга яна катта имтиёз берадиган бўлди.

УЕФА расмий сайтида билдирилишича, қуйидаги ҳолатларда футболчилар ҳакамлар томонидан "сариқ карточка" билан сийланади.

Агар футболчи бошқа футболчига "сариқ карточка" кўрсатишни талаб қилса. Ҳакам томон югуриб ёки ишора билан уни ҳақоратласа, футболчиларнинг оммавий равишда ҳакамни куршаб олиш ҳолларида юқоридаги қарорга амал қилинади.

Ушбу қарор шанба куни бошланадиган "Евро-2008" саралаш баҳсларида кучга киради.

## КРАМНИККА ҚАРШИ ЭКСТРАСЕНС

Маълумки, шу йилнинг 21 сентябридан 13 октябригача Қалмиғистон пойтахти Элиста шаҳрида шоҳмот бўйича жаҳоннинг мутлоқ чемпионлиги учун жаҳон шоҳмот тождори болгариялик Веселин Топалов ҳамда классик шоҳмот бўйича жаҳоннинг энг кучли гроссмейстери, россиялик Владимир Крамник ўртасида баҳс бўлиб ўтади.

Болгар шоҳмотчисининг менеджери Сильвио Данаиловнинг билдиришича, асли белоруссиялик бўлган экстрасенс ушбу баҳсда Топаловга ёрдам беради. Экстрасенс шоҳмот тождорининг эски қадрдони саналади. У авваллари ҳам болгар шоҳмотчисига кўмак берган, гўё.

Бу хабарга Владимир Крамник томонидан ҳеч қандай муносабат билдирилмаган. Фақат ФИДЕ Президенти Кирсан Илюмжинов "Агар даъвогарларга шу керак бўлса, чемпионатда сеҳргарларнинг қатнашишига ҳам рухсат этамиз", деган киноя билан.

**Интернет хабарлари асосида**
**А.ЮНУСОВ тайёрлади.**

*Бор бўл, оқибат!*

# КЎНГИЛ КЎЗИ ҲАМИША ОЧИҚ

***Тўрткўл туман ижтимоий таъминот бўлимида 18 минг 381 нафар пенсия ва нафақа олувчилар мавжуд. Шубҳасиз, кимнингдир кўмагига муҳтож бундай кишиларнинг кўнглини овлаш, вақтида зарур ёрдам бериш ҳам хайрли ишлардан биридир. Айни пайтда улар учун ойига 569 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланмоқда.***

Баъзан шундай ҳолатлар бўладики, алоқа бўлимларида маълум миқдордаги пуллар ушланиб қолади. Аҳоли билан суҳбатлашиш жараёнида асосан айрим пенсионерлар ва нафақахўрларнинг бошқа жойга кўчиб кетгани, вақтинча уйда бўлмаётгани ёки вафот этгани каби ҳолатлар сабаб бўлаётгани аниқланмоқда. Бўлим томонидан олиб борилаётган ишларга диққат билан қарайдиган бўлсак, деярли ҳар куни гувоҳи бўладиганимиз, пенсия ва нафақа олувчиларнинг ўзларига тайинланган пул миқдорига нисбатан эътирозларидир. Уларнинг бундай норозиликларига ойдинлик киритиш мақсадида жойларга чиқилиб, ҳужжатлар тўлиқ ўрганилиб, далолатномалар тўлдирилади. Жумладан, 2004-2006 йиллардаги пенсиялар бирма-бир текширилди. Гувоҳлар кўрсатмаси асосида 14 ёшдан иш стажи ҳисобланганларга 16 ёшдан кўрсатмалар ёзилиб, қайта ҳисоблаб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 183 та ёшга доир, 116 та ногиронлик, 67 та боқувчисини йўқотганлик пенсияси, 78 та ижтимоий нафақа, 395 та бир йўла бериладиган нафақа (суюнчи) тайинланди. Пенсия учун тақдим қилинган нуқсонли 208 та ҳужжат текширилиб, аниқлик киритилди. Маълумки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 25 январдаги буйруғига асосан барча имтиёзли пенсиялар вазирликнинг пенсия таъминотини ташкил этиш бўлими томонидан ўрганиб чиқилгандан кейингина тўловга юборилади. Компьютер базасига киритилган пенсионерлар тўғрисидаги маълумотномалар аниқлигини мутахассислар доимий назорат қилиб борадилар. Бу эса иш мобайнида айрим қийинчиликлар, тушунмовчиликлар келиб чиқишининг олдини олади.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастурининг бажарилиши бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бўлим фаолиятининг янада ривожланишида қўл келмоқда. Жумладан, кам таъминланган, кекса пенсионер ва ногиронларга ҳомийлар томонидан ёрдам кўрсатиш механизми ишлаб чиқилди. Ёлғиз яшовчи пенсионер ва ногиронларнинг уйлари улар кўмагида таъмирлаб берилди. Шу кунга қадар айрим корхона ва ҳомийлар ҳисобидан кам таъминланган кишиларнинг ҳар бири 150 минг сўмлик ҳар хил турдаги ёрдамдан баҳраманд бўлди. Ўзгалар парваришига муҳтож 64 нафар ёлғиз пенсионер ва 23 нафар ногиронга ҳар ҳафтада керакли ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда. Уларга 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулоти, кир ювиш воситалари етказиб берилаётир: доимий тарзда шифокор кўригидан ўтқазилиб, бепул дори-дармон билан таъминланмоқда.

Инсонпарварлик ёрдами сифатида келган 80 дона кийим-кечак ҳам ана шундай фуқароларимизга тақдим этилди. Кўзи ожизлигига кўра биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларининг 33 нафарига линза қўйишда бевосита ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, пенсионер ва ногирон кишиларнинг барчаси диспансеризация кўригидан ўтказилиб, беморлар амбулатория, стационар шароитда ва 84 нафар ёлғиз қариялар уй шароитида даволанмоқдалар.

Ўтган давр мобайнида бир неча ногиронга протез ортопедия буюмлари ҳамда аравача берилди. Саломатлигини тиклаш зарурати бўлган 42 нафар киши учун сиҳатгоҳга йўлланмалар ажратилди. Ишлаётган айрим пенсионер ва ногиронларга иш жойларидан моддий ёрдам ҳамда санаторийларга йўлланма олишда юзага келаётган муаммолар бўлим аралашуви билан бартараф этилмоқда.

Ногирон болаларнинг ҳаётга, яшашга бўлган қизиқишини уйғотиш мақсадида яқинда туман халқ таълими бўлими билан биргаликда "Мафтункор ранглар дунёси" мавзуида ижодий-бадиий танлов ўтказилди. Бундан ташқари, болажонлар доимий равишда туман маданият ва спорт бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган машғулотларга жалб қилинди. Туманда истиқомат қилаётган 91 нафар уруш қатнашчисига ҳам бўлим томонидан катта эътибор қаратилди.

**К.СЕРЖАНОВА,**
**Тўрткўл туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи**

*Тадбир*

## ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги муносабати билан жойларда маданий-маърифий, хайрли тадбирлар ўтказди. Хусусан, Тошкент вилояти Паркент туманидаги умумтаълим мактабларида ўқиётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 50 нафар ўқувчига кийим-бош ва ўқув қуроллари топширилди. Тадбирда туман хокимлиги, Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва Марказий Кенгаш вакиллари иштирок этдилар.

Бу каби тадбирлар Юқори Чирчиқ, Бекобод туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Юртимизда барча тармоқ касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан хайрия тадбирлари давом этмоқда.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Қадриятларимиз*

# ОЛИЙ ҲИММАТ ЗАНГИОТА

***Зангиота — (асл исми Ойхўжа ибн Тошхўжа, туғилган санаси тахминан-1258) — авлиё, тасаввуфнинг таниқли вакили. Арслонбобнинг авлоди (авараси). Тошкент шаҳри, Самарқанд дарвоза кўчасидаги Зангиота маҳалласида туғилиб ўсган деган тахмин бор. Араб наслидан, қора танли бўлганлиги учун занги (занжи), ҳурмат юзасидан ва олий ҳимматлиги учун Зангибобо Ҳимматий деб аташган.***

Ойхўжа ибн Тошхўжа ёшлигида отасидан таълим олди. Отаси вафотидан кейин Аҳмад Яссавийнинг халифаси ва шогирди бўлмиш Ҳаким ота ҳузурига борди. Бир неча йил унинг мулозаматида бўлиб, ундан яссавийлик тариқати сир-асрорлари, одобини ўрганди ва бу тариқатнинг етук намояндаси бўлиб етишди. Сўнг ўз ватани — Шошга қайтиб келиб, аҳолини илоҳий-ахлоқий тасаввуфий йўл-йўриқлар билан тарбиялашга киришди, кўплаб мутасаввифлар тайёрлади.

Занги буванинг бутун ҳаёти Мовароуннаҳр халқларининг оғир ва даҳшатли даврига тўғри келди. Мўғул истилочилари мамлакатни хонавайрон қилиб, халқ оммасини қуллик исканжасига солган бир пайтда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, адлу инсоф, поклик, яхшилик, меҳр-шафқат, художўйлик каби умуминсоний ғояларни тарғиб қилди. Занги буванинг мурид ва шогирдлари, хусусан, Узун Ҳасанота, Саййидота, Садрота ва Бадрота Дашти Қипчоқ ўзбеклари, Волгабўйи ва Урал тоғи этакларидаги татар ва бошқирдлар орасида ислом динининг ёйилишига ҳисса қўшди.

Занги бува подачилик қилиб, ҳалол ризқ топиб ҳаёт кечирган. Намоз ва зикрни канда қилмаган. Унинг кароматлари ва фазилатларини Хўжа Аҳрор, шоирлар Махтумқули, Камий Тошкандий ва бошқалар тилга олиб, шеър ва хотиралар ёзиб қолдирганлар, халқ ривоятлар тўқиган. Баъзи манбаларга кўра, Занги бува устози Ҳаким ота вафотидан сўнг унинг хотини Анбар бибини никоҳига олиб, ундан бир неча фарзанд кўради.

Фарзандлари ҳам ҳазрат каби эътиқодли, инсофли кишилар бўлиб етишадилар, халқни ҳақиқат йўлига бошлашда раҳнамолик қиладилар. Занги бува ва Анбар бибининг қабри Зангиота туманидаги Зангиота қишлоғида. Мозор ёнида масжид ва мадраса қад кўтарган.

Бу мақбара XIV аср охирларида Амир Темур томонидан қурилганлиги ва Мирзо Улуғбек даврида безак ишлари бажарилганлиги аниқланган. 1870 йилда Зангиота мажмуаси таъмирланишида қўқонлик уста Муҳаммад ҳожи бошчилик қилган. Мажмуа атрофи ободонлаштирилиб, тарихий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган. Ҳозирги кунда авлиё ўтган маскан мамлакатимиз халқлари ва меҳмонларининг катта зиёратгоҳига айланган.

**Раҳимжон ОРИПОВ**



Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар раислар Кенгаши "Ўзбекқишлоқмаш" ОАЖнинг собиқ бош директори

**Тошмат МАХАМЕТОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшмаси кенгаши раиси Гавҳар Исломовага турмуш ўртоғи

**Жамолиддин ИСЛОМОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти Зангиота туманида рўйхатдан ўтган "Arshmit Treding" масъулияти чекланган жамият масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "MARJOH SAVDO SERVIS" Ўзбекистон-Кипр қўшма корхонаси сифатида қайта ташкил қилинаётганлигини маълум қилади. Шикоят ва талаблар шу жамият орқали кўрилади.

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - З.Рихсиев
Навбатчи - Ю.Очилдиев
Мусаҳҳиҳ - Д.Комолов

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Тиражи: 7627
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru
Буюртма Г— 1115
Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 23.50.